

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.08.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ

ХУРРАМОВ ШАВКАТ РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

ИККИ ВАЛЛИ МОДУЛЛАРДАГИ ЎЗARO ТАЪСИРНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторский (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Хуррамов Шавкат Рахматуллаевич

Икки валли модуллардаги ўзаро таъсирнинг назарий асослари ва
унинг механик ишлов бериш жараёнларини такомиллаштиришда
қўлланилиши 3

Хуррамов Шавкат Рахматуллаевич

Теоретические основы контактного взаимодействия
в двухвалковых модулях и их использование
в совершенствовании процессов механической обработки 29

Khurramov Shavkat Rakhmatullaevich

Theoretical foundations of contact interaction in two-roll modules and their
use in improving machining processes 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.08.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ

ХУРРАМОВ ШАВКАТ РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

ИККИ ВАЛЛИ МОДУЛЛАРДАГИ ЎЗARO ТАЪСИРНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/T260 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура қурилиш институтида ҳамда механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://web.ttyesi.uz>) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Баҳадиров Ғайрат Атаханович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шин Илларион Георгиевич
техника фанлари доктори, профессор

Алимухаммедов Шавкат Пирмухаммедович
техника фанлари доктори, профессор

Мақсудов Равшан Ҳасанович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 й «24» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlr@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертацияси иши билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (139-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17.

Диссертация автореферати 2022 йил « 22 » июль куни тарқатилди.
(2022 йил « 22 » 07 №_139_сонли реестр баённомаси).

И.Қ. Сабилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З. Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р.Ханходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пойабзал, кийим ва атторлик маҳсулотларини тайёрлашда энг кўп тарқалган материаллардан бири аналоглари бўлмаган ва тамомила ўзига хос хусусияларга эга бўлган чарм ҳисобланади. Ҳозирги вақтда чарм саноати савдоси йилига 80 миллиард АҚШ долларида ошади ва бу кўрсаткич аҳоли сонининг кўпайиши ва мамлакатларнинг урбанизацияси туфайли ўсиши кутилмоқда¹. Жаҳон миқёсида чарм маҳсулотларини ишлаб чиқаришда Италия (23,39%), Корея Республикаси (9,60%), АҚШ (6,80%), Аргентина (6,11%), Германия (5,72%), Бразилия (4,88%), Буюк Британия (2,94%), Хитой (2,88%) каби давлатлар етакчи мамлакатлар ҳисобланади². Тайёр чарм сифатини муҳим даражада аниқловчи операциялардан бири кейинги операциялар учун зарур намликни ҳосил қилувчи чарм ярим маҳсулотини валли сиқиш ҳисобланади. Шу жиҳатдан тайёр чармнинг берилган характеристикаларига кафолатли эга бўлиш учун валли сиқишнинг юқори самарали, энергиятежамкор қурилма ва технологияларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларида турли технологик жараёнларни бажаришда қўлланилаётган машиналарнинг энг самарали ва универсал турларидан бири бўлган валли машиналарни лойиҳалаш ва такомиллаштиришнинг илмий асосларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳўл материалларни валли сиқиш жараёнини автоматлаштириш ва иш унумдорлигини ошириш, икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир ва ҳўл материалларни валли сиқиш масалаларини замонавий билимларни ва технологик жараёнларнинг физик моҳиятини инобатга олган ҳолда моделлаштириш, механик ишлов бериш жараёнларини ва қурилмаларини олинган моделларни қўллаган ҳолда замон талабларига мувофиқ янгилаш, валли машиналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини такомиллаштириш ҳамда олинган моделларни оптимизациялаш орқали тайёр маҳсулотнинг табиий сифатини сақлаб қолиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда валли машиналарнинг янги типдаги ресурстежамкор конструкцияларини ҳамда рақобатбардош ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш учун фундаментал ва амалий тадқиқотларни жадал ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, жумладан

¹ <https://www.sciencedirect.com/topics/earth-and-planetary-sciences/leather-industry>

² <http://www.splaix.ru/k5.html>

чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 3 бараварга кўпайтириш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир ҳамда ҳўл материалларни валли сиқиш масалаларини моделлаштириш ҳамда олинган моделлар асосида механик ишлов бериш жараёнларини такомиллаштириш ва уларни амалга ошириш учун юқори унумдор ва ресурстежамкор валли технологик машиналарни, жумладан чарм ярим маҳсулотини сиқиш учун валли машиналарни яратиш асосий масалалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги ва 2000 йил 23 февралдаги ПФ-2552-сон «Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимларини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ва 2021 йил 8 февралдаги ПҚ-4982-сон «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва энергия-тежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир масалаларини ва ҳўл материалларни валли сиқиш масалаларини ечишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, чиғирлаш назарияси контактли ўзаро таъсир масалалари ҳамда текстил ва енгил саноат валли машиналари икки валли модулларидаги контактли ўзаро таъсир ва гидравлик масалалари тадқиқотига University of Michigan, University of Minnesota, University of Rochester (АҚШ), Cambridge University, Belfast University (Вуюк Британия), University of British Columbia (Канада), Magdeburg University (Германия), Timken Company, Colmar (Франция), Deusto University, Bilbao University (Испания), Politechnica University of Timisoara (Руминия), Trencen University (Словакия), Lublian University (Словения), Pontificia University (Бразилия), University of Wollongong (Австралия), India University of Technology (Ҳиндистон), Pusan National University (Корея Республикаси), Isfahan institute of

³ <https://www.Lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги Фармони

⁴ Диссертация мавзуси бўйича халқпаро илмий тадқиқотлар шарҳи: Jour. Drying Technol. 4(2003), Int. Jour. 4 (2003), Int. Jour. of Mech. Siences 113(2016), Eng. Technol. 221(2007), Metals 226(2019), IOP conf. Series. Vaterials Siense and Eng. 163(2017), Acta Metallurgici Slovaca 17(2011),), Int. Jour. of Ing. Technol. 3(2011), Jour. Mechanical Eng. 26(2018), Int. Jour. of Mech. Siences 30(2018), Int. Jour. of Mech. Siences 44(2002), Jour.And. in Mech. Eng. 7(2015), Int. Jour. of Mech. Siences 258(2005), Jour. Of pulp and paper Siense 26(2000), Tappi Jour. 81 (2017), Изв. ВУЗ. «Техн. текст. пром.», Изв. ВУЗ. «Техн. легк. пром.», Изв. ВУЗ. «Машиностроение». Изв. ВУЗ. «Черная металлургия», Механика муаммолари (Ўзб) ва бошқв манбалар.

Technolodgy, Shirist institute of Technolodgy (Эрон ислом Республикаси), Sun-Yat-Sen University (Тайван), Human University, Changsha University, Yanshan University, Xiamen University, Sheyang University, Wuhan University (Хитой), Н.Э.Бауман номли Москва давлат техника университети, А.Н.Косыгин номли Москва давлат университети, Череповец давлат университети, Иванова давлат политехника университети, Кострома давлат технология университети (Россия федерацияси), Украина миллий металлургия академияси, Запарожье давлат муҳандислик академияси (Украина), Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент архитектура қурилиш институти (Ўзбекистон) каби университет ва илмий марказлар олимларининг ишлари бағишланган.

Жаҳонда икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир масалаларини ва ҳўл материалларни валли сиқиш масалаларини ечиш натижасида қўйидаги илмий натижалар олинган: динамик ишқаланиш коэффициентлари аниқланган, контакт эгри чизиғи бўйлаб босимнинг соддалашган тақсимот модели топилган, нейтрал нуктанинг ифодаси аниқланган (University of Rochester, Wuhan University, Bilbao University); Карман тенгламаси кутб координатларида ечилган (Pontificia University, Magdeburg University); ҳар ҳар хил ишқаланиш моделларидан фойдаланиб нормал ва уринма кучланишларнинг валлар контакт юзалари бўйлаб тарқалиш қонуниятлари топилган (Belfast University, University, Pusan National University, Politechnica University of Timisoara); асимметрик контактли ўзаро таъсир масалалари тадқиқ қилинган (Cambridge University, University, Lublian University, University of British Columbia, India University of Technology, Isfahan institute of Technolodgy, Shirist institute of Technolodgy, Sun-Yat-Sen University, Sheyang University, Yanshan University); узатмали ва узатмасиз валлардаги қамров шартлари назарий таҳлил қилинган, ишқаланиш кучланишларининг контакт кучланишлари тақсимотиға кинематик шартларни ҳисобга олувчи модели тавсия этилган (Украина миллий металлургия академияси); эластик-пластик модели деформация ўчоғи учун контакт кучланишларини ҳисоблаш методикаси тақдим қилинган (Череповец давлат университети); сиқиш жараёнида гидравлик ҳодисаларнинг айрим жиҳатлари очиқ берилган (Timken Company, University of Michigan, University of British Columbia, Кострома давлат технология университети, Целлюлоза-қоғоз саноати илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси); валлар ўрамасининг ҳар хил қаттиқлик даражасида валлар контакт шартлари бўйлаб контакт кучланишларининг тақсимот қонуниятлари топилган, тўқимачилик машиналарининг валли қурилмаларини лойиҳалаш ва уларнинг ишчи валларини ҳисоблаш методикалари ишлаб чиқилган (Иванова давлат политехника университети, Кострома давлат технология университети), чарм саноати машиналари икки валли модулларидаги контакт ва гидравлик масалалар ечилган (Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти).

Жаҳонда валли машиналарни ва уларда амалга ошириладиган механик ишлов бериш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан

қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: икки валли модуллардаги ўзаро таъсир масалаларини моделлаштириш асосида валли машиналарнинг янги типдаги ресурстежамкор конструкцияларини ва механик ишлов бериш жараёнларини яратиш, мавжуд қурилма ва технологияларнинг параметрларини такомиллаштириш, ҳўл материалларни валли сиқишнинг контакт ва гидравлик масалаларини моделлаштириш асосида самарадорлиги юқори бўлган валли сиқиш машиналарини, жумладан чарм ярим маҳсулотини валли сиқиш машиналарини яратиш ва уларни жорий қилиш ҳисобига маҳсулот сифатини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир назариясининг масалаларини ва ҳўл материалларни валли сиқиш назариясининг масалаларини ечишга ва улар асосида валли қурилма ва технологияларни яратиш ва такомиллаштиришга кўплаб тадқиқотлар, жумладан J.J. Munton, S. Alenka, A.Murillo-Morradan, P.P. Gudur, V. Alexa, S.A. Ratiu, M. Salimi, M.A. Tolcha, L.F. Nasimento, Sh. Chen, X. Tan, G. Tzou, X. Fend, R. Pernis, X. Li, J.D. McDonald, E.M. McDonald, R.J. Kerekes, Э.А. Гарбер, А.П. Грудев, Я.Д. Васильев, А.В. Выдрин, Г.К. Кузнецов, Ю.Г. Фомин, А.В. Подьячев, Г.А. Хайлис, В.А. Крючков, И.И. Водяник, И.Д. Кугушев, Н.Е. Новиков, А.В. Саблин, А.Г. Бурмистров, М.М. Шукуров, А. Джураев, Т.Ю. Аманов, Г.А. Бахадиров, А. Абдукаримов, Г.Н.Цой ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Шу билан бирга, бу тадқиқотларда яратилган математик моделларнинг аксарияти етарли даражада аниқликка эга эмаслиги ва қўлланилиш соҳаси чегараланганлиги кузатилмоқда. Шу боис бу моделлар ҳўл материалларни валли сиқиш жараёнининг контактли ўзаро таъсир ва суюқлик филтрацияси ҳодисалари моҳиятини тўла тушунтириш имкониятини бермайди. Шунингдек, чармни валли сиқиш назарияси масалаларини ечишда асосий омиллар бўлган чарм ярим маҳсулотининг деформациявий ва филтрациявий хоссаларининг математик моделлари яратилмаган. Натижада чармни валли сиқишнинг контактли ўзаро таъсир масалалари татқиқотида чарм ярим маҳсулотининг деформациявий хусусиятлари инобатга олинмаган, шунингдек, чармни валли сиқишнинг гидравлик масалалари амалда ечилмаган, бу ўз навбатида чарм ярим маҳсулотини валли сиқиш технологияси ва қурилмаларининг рационал параметрларини аниқлаш ва бошқаришга имкон яратмайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎзР. Фанлар Академиясининг механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №АЗ-ФА-0-17872/ АЗ-ФА-Ф056 «Жиннинг ва чармни валли сиқиш ва ажратиш машиналари ишчи механизмларининг янги конструкцияларини лойиҳалаш, ҳисоблаш методикасини яратиш» (2012-2014), №К-3-017+К-5-002 «Валли технологик машиналарнинг юқори унумдор, ресурстежамкор қурилма ва механизмларини ишлов берилаётган материал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва яратиш» (2015-2017), №БВ-М-Ф4-001 «Гидродинамика ва машинасозлик масалаларини математик моделлаштириш ва

ечишнинг янги методлари асосида тадқиқ этиш» (2017–2020), №ФА-Атех-2018-254 «Кўн ярим маҳсулотга механик ишлов берувчи кўп операцияли машина ишлаб чиқиш» (2018–2020) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир ва ҳўл материалларни валли сиқиш назарияларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва уларни механик ишлов бериш жараёнлари, жумладан чармни валли сиқиш жараёнининг технология ва қурилмаларни такомиллаштиришда қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

икки валли модулларнинг умумлашган схемасини ишлаб чиқиш;
умумлашган икки валли модулларнинг асосий контактли ўзаро таъсир масалаларини ечиш;

ҳўл материалларни валли сиқишнинг асосий масалаларини ечиш;

чарм ярим маҳсулотини валли сиқиш жараёнини моделлаштириш;

чарм ярим маҳсулотини валли сиқишнинг рационал параметрларини ҳисоблаш бўйича методика ишлаб чиқиш;

тайёр чарм сифатини таъминловчи сиқиш машинасининг техник даражасини кўтариш учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – валли технологик машиналарнинг, жумладан чармни валли сиқиш машиналарининг икки валли модуллари.

Тадқиқотнинг предмети – икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир ва ҳўл материалларни валли сиқиш назариялари ҳамда валли сиқиш машиналарининг параметрларини ҳисоблаш методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда контактли ўзаро таъсир назарияси, суюқлик ва газ механикаси, математик моделлаштириш, енгил саноат машиналарини лойиҳалаш назарияси, математик анализ, математик статистика ва тажрибани режалаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишлов берилаётган материалнинг технологик машиналар ишчи валлари жуфтлиги билан барча контактли ўзаро таъсир ҳолатларини ўз ичига олувчи ҳамда икки валли модуллар контакт масалаларини ечишни системалаштиришга ва умумлаштиришга имкон яратувчи икки валли модулларнинг умумлашган схемаси ишлаб чиқилган;

умумлашган икки валли модулларнинг контактли ўзаро таъсири асосий масалаларини ечиш натижасида контакт эгри чизиқларининг ва контакт кучланишлари тақсимотининг энергиятежамкор валли машиналарини лойиҳалаш ҳамда технологик жараёни бошқаришда икки валли модулларнинг рационал параметрларини ўрнатиш имкониятини берувчи математик моделлари олинган;

умумлашган икки валли модуллар учун ишқаланиш кучланишларининг ҳам сирпаниш соҳаларида, ҳам ёпишиш соҳасида нормал ва уринма кучланишлар орасида боғланиш ўрнатувчи коррект моделлари ишлаб чиқилган;

ҳўл материалларни валли сиқишнинг гидравлик масалаларини ечиш орқали сиқиш жараёнида гидравлик босимлар ва намлик ўзгариши

тақсимотларининг қолдиқ намликни ҳисоблашга ва валли машиналар параметрларининг ҳўл материалларни сиқиш самарадорлигига таъсирини ўрнатишга имкон яратувчи математик моделлари олинган;

хромли ошлашдан кейинги чарм ярим маҳсулотининг деформациявий ва фильтрациявий хоссаларининг янги моделлари ҳамда чарм қолдиқ намлиги, сиқиш қуввати ва вал контакт эгри чизиғи узунлигининг куч интенсивлиги, вал диаметри ва тезлигига боғлиқ аналитик ифодалари олинган;

ўтказилган тадқиқотлар ва экстремал масалаларни ечиш натижасида кучнинг характеристикаси сифатида солиштирма кучни ҳисобга олувчи чарм ярим маҳсулотини валли сиқишнинг рационал параметрларини ҳисоблашнинг янги методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумлашган икки валли модулларнинг ва ҳўл материалларни валли сиқишнинг ҳисоблаш формулалари аниқланган;

чарм ярим маҳсулотини валли сиқишнинг рационал параметрларини ҳисоблаш бўйича методика ишлаб чиқилган;

чарм ярим маҳсулотининг валлар жуфтлиги билан контактли ўзаро таъсири ҳодисалари моҳиятини ва чармни валли сиқишнинг гидравлик ҳодисалари моҳиятини очишга имконият яратувчи хромли ошлашдан кейинги чарм ярим маҳсулотининг деформациявий ва фильтрациявий хоссалари моделлаштирилган;

валли сиқиш машиналарининг самарадорлиги оширишга имконият яратувчи бир нечта қонуниятлар ўрнатилган.

Олинган натижаларнинг ишончилиги ўтказилган тадқиқотларнинг контактли ўзаро таъсир ва суюқлик ва газ механикаси назарияларининг ҳамда енгил ва текстил саноатлари машиналарини лойиҳалашнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда бажарилиши, илмий ёндашув ва таҳлиллар асосида олинган натижаларнинг жаҳондаги етакчи марказлар мутахассисларининг назарий маълумотларига мос келиши ва етакчи илмий нашрларда чоп қилиниши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳўл материалларни валли сиқиш назарияси контактли ва гидравлик масалаларининг биргаликда ечилиши ҳамда умумлашган икки валли модулларнинг валлар контакт бурчакларининг, контакт эгри чизиқларининг, ишқаланиш кучланишларининг ва контакт кучланишлари тақсимотининг, ҳўл материалларни валли сиқишнинг фильтрация тезликлари, гидравлик босимлари ва қолдиқ намлигининг моделлари яратилганлиги билан изоҳланади. Бу моделлар икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир ва ҳўл материалларини валли сиқиш назарияларининг ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чарм ярим маҳсулотини валли сиқишнинг рационал параметрларини ҳисоблаш бўйича методика ишлаб чиқилганлиги ҳамда чарм ярим маҳсулотининг деформациявий ва фильтрациявий хоссаларини аниқловчи эмпирик ифодаларнинг топилганлиги билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган методика чармни валли сиқиш

машиналарининг самарали параметрларини ва ишлаш тартибини аниқлаш ва баҳолаш имкониятини беради, эмпирик ифодалар эса чарм ярим маҳсулотини сиқиш жараёни ҳодисаларининг моҳиятини очишда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Икки валли модуллардаги ўзаро таъсир ва ҳўл материалларни валли сиқиш назарияларини ривожлантириш орқали механик ишлов бериш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

икки валли модулларнинг параметрларини ҳисоблаш формулалари ва чарм ярим маҳсулотини валли сиқишнинг рационал параметрларини ҳисоблаш бўйича методика «ЎЗЧАРМСАНОАТ» уюшмасининг корхоналарида хусусан «PREMIUM LEATHER» МЧЖ, «QARSHI LEATHER» МЧЖ, «Nafis-Charм» МЧЖ ва «OSIYO CHARM FAYZ» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («ЎЗЧАРМСАНОАТ» уюшмасининг 2021 йил 12 октябрдаги ФБ-7/2650-сон маълумотномаси). Натижада чармни валли сиқиш машиналарининг параметрларини бошқариш ва тайёр чарм сифатини ошириш имкониятлари яратилган;

валлар контакт эгри чизикларининг, контакт кучланишлари тақсимотининг ва чарм ярим маҳсулоти деформациявий хусусиятларининг математик моделлари «Янги истиқболли дифференциал узатиш механизми таҳлили ва лойиҳаси» мавзусидаги 2018-2020 йилларда бажарилган ФА-Атех-2018-253 лойиҳада ўрнатилаётган ишлов берилаётган материал ва валли модулнинг геометрик, кинематик ва динамик параметрларини асослашда қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг 2022 йил 22 февралдаги №2/1255-416 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши валли технологик машиналар валлараро тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг рационал параметрларини ишлов берилаётган материал (чарм ярим маҳсулоти) хоссаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлашга имкон яратди;

олинган илмий натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг ихтирога патент («Хўл толали материаллардан суюқликни сиқиш учун қурилма»), № IAP 05886, 2019 й.) олинган. Натижада толали материалнинг бутун юзаси бўйича суюқликни самарали ва текис сиқишга имконият берувчи қурилма яратилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро миқёсдаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 53 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 30 та, жумладан Scopus базасидаги журналларда 17 та мақола нашр қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг ихтирога ва фойдали моделга патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 191 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён қилинган, объекти ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, натижаларнинг нашр қилинганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир ва ҳўл материалларни валли сиқиш бўйича тадқиқотларнинг замонвий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир ва ҳўл материалларни валли сиқиш масалаларини ечиш бўйича тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати ёритилган. Ушбу масалалар бўйича тадқиқотлар ўтказилиши зарурлиги асосланган ва материалларга валли машиналар билан механик ишлов бериш жараёнларини такомиллаштириш йўналишлари ёритилган.

Икки валли модуллардаги контакт ва гидравлик масалаларни ечиш бўйича кенг кўламли тадқиқотларнинг мавжуд бўлишлигига қарамасдан сиқиш машиналари икки валли модулларида контактли ўзаро таъсир назарияси асослари бугунги кунда етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бунда, ўта асимметрик икки валли модуллар контакт бурчаклари учун ифодалар топилмаган. Валлар контакт эгри чизикларининг шакли моделлаштирилмаган ва ишқаланиш кучланишларининг коррект моделлари ишлаб чиқилмаган. Коррект бўлмаган ишқаланиш кучланишларининг моделларини қўллаш орқали топилган контакт кучланишлари тақсимотининг назарий тарқалиш қонуниятлари тажрибавий эпюраларга мос келмайди. Гидравлик босимнинг назарий тақсимот қонунияти валли ускуналар ва ишлов берилаётган материалларнинг реал бўлмаган моделларини киритиш йўли билан олинган. Натижада ҳўл материалларни валли сиқиш параметрларини ҳисоблаш методикалари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Чармни валли сиқиш назарияси масалаларини ечишда асосий омиллар бўлган чарм ярим маҳсулотининг деформациявий ва фильтрациявий хоссаларини ифодаловчи математик моделлар мавжуд эмас. Натижада чармни валли сиқишнинг контактли ўзаро таъсир масалалари тадқиқотида чарм ярим маҳсулотининг деформациявий хусусиятлари инобатга олинмаган, шунингдек, чармни валли сиқишнинг гидравлик масалалари амалда ечилмаган.

Диссертация ишининг **“Икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсирнинг назарий асослари”** деб номланган иккинчи боби икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир масалаларини моделлаштиришга бағишланган.

Валлар жуфтлигининг ишлов берилаётган материал билан контактли ўзаро таъсир характери таҳлили асосида икки валли модулларнинг умумлашган

моделни яратилди (1-расм). Бу схемадан унинг параметрларини ўзгартириш орқали валли технологик машиналарнинг исталган икки валли модули ҳосил қилинади. Шу сабабли у икки валли модуллардаги контактли ўзаро таъсир масалаларини системалаштиришга имкон беради.

Контактли ўзаро таъсирнинг қўйилган масалалари умумлашган схемадан олинган умумлашган икки валли модулда ечилган. Бу модулда валлар вертикалга нисбатан β бурчак остида ўнгга қия жойлашган, тенг бўлмаган радиусларга ($R_1 \neq R_2$), турли қаттиқликдаги ва қалинликдаги ($H_1 \neq H_2$) ҳамда ишқаланиш коэффициентли ($f_1 \neq f_2$) эластик ўрамаларга эга, пастки вал кўзгалмас, юқори вал пользун бўйлаб ҳаракатланади, ишлов берилаётган материал бир хил δ_1 қалинликка эга ва O_1 ўққа (марказлар чизиғига) нисбатан γ_1 бурчак остида қуйига узатилган, валлар орасидаги масофа h га тенг (2-расм).


Умумлашган икки валли модулдаги геометрик шартларнинг назарий тадқиқоти асосида контакт бурчакларининг ишлов берилаётган материал билан валлар жуфтлигининг дастлабки уринишидаги ва турғун жараёндаги ифодалари топилди.

Турғун жараёнда улар қуйидаги кўринишга эга бўлади:


ҳар иккала вал узатмалли бўлганида

$$\varphi_{11} = \sqrt{\frac{2R_2(\delta_1 - h)}{R_1(R_1 + R_2)} + \frac{\delta_1 \gamma_1}{R_1 + R_2}} - \sqrt{\frac{2U_{\max} n_{2cp} R_2 \cos^2 v_1 \cos \gamma_1}{n_{1cp} BR_1 (n_{1cp} R_1 \cos v_2 + n_{2cp} R_2 \cos v_1)}}}, \quad (1)$$

$$\varphi_{21} = \sqrt{\frac{2R_1(\delta_1 - h)}{R_2(R_1 + R_2)} - \frac{\delta_1 \gamma_1}{R_1 + R_2}} - \sqrt{\frac{2U_{\max} n_{1cp} R_2 \cos^2 v_2 \cos \gamma_1}{n_{2cp} BR_1 (n_{1cp} R_1 \cos v_2 + n_{2cp} R_2 \cos v_1)}}}. \quad (2)$$



1-расм. Икки валли модулларнинг умумлашган молули схемаси



2-расм. Икки валли модулларнинг умумлашган модели

$$\varphi_{12} = \sqrt{\frac{2R_2(\delta_2 - h_1)}{R_1(R_1 + R_2)}} + \frac{\delta_2\gamma_2}{R_1 + R_2}, \quad \varphi_{22} = \sqrt{\frac{2R_1(\delta_2 - h_1)}{R_2(R_1 + R_2)}} - \frac{\delta_2\gamma_2}{R_1 + R_2}, \quad (3)$$

бу ерда $\varphi_{11}, \varphi_{21}$ – бошланғич контакт бурчаклари (қамров бурчаклари),

$\varphi_{11}, \varphi_{21}$ – чиқиш бурчаклари;

валлардан бири (қуйи вал) узатмали бўлганида

$$\varphi_{11} = \frac{\delta_1 + R_2}{\delta_1 + R_1 + R_2} \sqrt{\frac{2(\delta_1 - h)(R_1 + R_2)}{R_1 R_2}}, \quad \varphi_{21} = \sqrt{\frac{2R_1(\delta_1 - h)}{R_2(R_1 + R_2)}} - \frac{\delta_1\gamma_1}{R_1 + R_2}. \quad (4)$$

$$\varphi_{12} = \sqrt{\frac{2R_2(\delta_2 - h_1)}{R_1(R_1 + R_2)}} + \frac{\delta_2\gamma_2}{R_1 + R_2}, \quad \varphi_{22} = \sqrt{\frac{2R_1(\delta_2 - h_1)}{R_2(R_1 + R_2)}} - \frac{\delta_2\gamma_2}{R_1 + R_2}. \quad (5)$$

Икки валли модуллардаги контакт ҳодисалари биринчи навбатда контактлашаётган жисмларнинг деформациясига (деформациявий хусусиятларига) боғлиқ. Чарм, тканлар, пахта, қоғоз, резина, жун, техник сукно каби икки валли модуллардаги контактувчи жисмларнинг деформацияси бўйича кўп сондаги тажрибавий маълумотлар йиғилган. Бу маълумотлар таҳлили кўрсатадики, шу каби материалларнинг деформацияси асосан “кучланиш–нисбий деформация” кўринишидаги эмпирик боғланиш билан ифодаланади. Улар орасида энг кўп қўлланиладигани даражали кўринишидаги боғланиш ҳисобланади.

Диссертацияда умумлашган икки валли модулдаги контактли ўзаро таъсир масалалари контактлашаётган жисмларнинг деформациялари

$$\sigma_{ij}^* = A_j^* \varepsilon_{ij}^{*m_j^*} \quad \sigma_{ij} = A_{ij} \varepsilon_{ij}^{m_{ij}},$$

кўринишдаги формулалар билан берилган ҳолда ечилган, бу ерда $\sigma_j^*, \varepsilon_j^*, A_j^*, m_j^*$ – ишлов берилаётган материал нуқталарининг сиқилишдаги ($j = 1$) ва деформацияни тиклашдаги ($j = 2$) кучланиши, нисбий деформацияси, деформация ва мустаҳкамлик коэффициентлари; $\sigma_{ij}, \varepsilon_{ij}, A_{ij}, m_{ij}$ – қуйи вал ($i = 1$) ва юқори вал ($i = 2$) ўрамаси нуқталарининг сиқилишдаги ва деформацияни тиклашдаги кучланиши, нисбий деформацияси, деформация ва мустаҳкамлик коэффициентлари.

Контакт эгри чизикларининг ҳар бир нуқтасида кучланишлар тенглиги ҳақидаги қонундан (Ньютон қонунидан) фойдаланиб, умумлашган икки валли модулдаги контакт эгри чизиклари шаклининг математик моделлари топилди:

қуйи вал учун

$$\begin{cases} r_{11} = \frac{R_1}{1 + k_{11}\lambda_{11}} \left(1 + k_{11}\lambda_{11} \frac{\cos(\varphi_{11} + \gamma_1)}{\cos(\theta_{11} + \gamma)} \right), & -(\varphi_{11} + \gamma_1) \leq \theta_{11} + \gamma \leq 0, \\ r_{12} = \frac{R_1}{1 + k_{12}\lambda_{12}} \left(1 + k_{12}\lambda_{12} \frac{\cos(\varphi_{12} + \gamma_2)}{\cos(\theta_{12} + \gamma)} \right), & 0 \leq \theta_{12} + \gamma \leq \varphi_{12} + \gamma_2, \end{cases} \quad (6)$$

бу ерда $k_{11} = \frac{m_{11} H_1 \sin(\varphi_{11} + \varphi_{21})}{m_1^* \delta_1 \sin(\varphi_{21} - \gamma_1)}$, $k_{21} = \frac{m_{12} H_1 \sin(\varphi_{12} + \varphi_{22})}{m_2^* \delta_2 \sin(\varphi_{22} - \gamma_2)}$, λ_{11} , λ_{12} – сиқилишда ва

деформацияни тиклашда қуйи вал ўрамаси ва ишлов берилаётган материал нисбий деформациялари тезликлари нисбати;

юқори вал учун

$$\begin{cases} r_{21} = \frac{R_2}{1 + k_{21} \lambda_{21}} \left(1 + k_{21} \lambda_{21} \frac{\cos(\varphi_{21} - \gamma_1)}{\cos(\theta_{21} - \gamma)} \right), & -(\varphi_{21} - \gamma_1) \leq \theta_{21} - \gamma \leq 0, \\ r_{22} = \frac{R_2}{1 + k_{22} \lambda_{22}} \left(1 + k_{22} \lambda_{22} \frac{\cos(\varphi_{22} - \gamma_2)}{\cos(\theta_{22} - \gamma)} \right), & 0 \leq \theta_{22} - \gamma \leq \varphi_{22} - \gamma_2, \end{cases} \quad (7)$$

бу ерда $k_{21} = \frac{m_{21} H_2 \sin(\varphi_{11} + \varphi_{21})}{m_1^* \delta_1 \sin(\varphi_{11} + \gamma_1)}$, $k_{22} = \frac{m_{22} H_2 \sin(\varphi_{12} + \varphi_{22})}{m_2^* \delta_2 \sin(\varphi_{12} + \gamma_2)}$, λ_{21} , λ_{22} – сиқилишда

ва деформацияни тиклашда юқори вал ўрамаси ва ишлов берилаётган материал нисбий деформациялари тезликлари нисбати.


Валлар контакт соҳасида контактлашаётган жисмларнинг контактли ўзаро таъсири шартлари таҳлили асосида, i – вал ўрамаси ва ишлов берилаётган материалнинг сиқилишдаги ва деформацияни тиклашда нисбий деформациялари тезликлари нисбатини аниқлаш формулалари топилди:

$$\lambda_{ij} = \frac{A_j^* m_j^* (\Delta L_{ij})_{cp} - (A_{ij} (1 - m_{ij}) - A_j^* (1 - m_j^*)) h_{ij}^0}{A_{ij} m_{ij} (\Delta L_{ij})_{cp} + (A_{ij} (1 - m_{ij}) - A_j^* (1 - m_j^*)) H_i}, \quad (8)$$

бу ерда $(\Delta L_{ij})_{cp} = R_j \cdot \left(1 - \frac{\sin 2(\varphi_{ij} \pm \gamma_j)}{2(\varphi_{ij} \pm \gamma_j)} \right)$, $h_{ij}^0 = \delta_j \frac{\sin(\varphi_{i\pm 1j} \pm \gamma_j)}{\sin(\varphi_{ij} + \varphi_{i\pm 1j})}$, бунда (кейинги

ҳолларда ҳам) юқоридаги ишоралар қуйи валга ($i = 1$), пастдаги ишоралар эса юқори валга ($i = 2$) тегишли.

(7) ва (8) тенгламалар ситемалари контактлашаётган жисмларнинг деформациялари даражали эмпирик боғланишлар билан ифодаланганида умумлашган икки валли модул контакт эгри чизиқлари шаклининг математик моделларини аниқлайди. Аниқландики, контактлашаётган жисмларнинг деформациялари реологик моделлар билан берилганида ҳам контакт эгри чизиқлари шаклининг математик моделлари шу каби системалар (фақат k_{ij} ва λ_{ij} коэффициентлари билан фарқланувчи) билан аниқланади. Шу сабабли контакт эгри чизиқлари шакли контактлашаётган жисмлар деформацияларининг берилишига боғлиқ бўлмайди ва уларнинг графиклари ҳар иккала ҳол учун турли омилларда 3-расмдаги каби кўринишда бўлади.



3-расм. Контакт эгри чизиклари шаклига омиллар таъсири

Умумлашган икки валли модул қўйи ва юқори валлари учун ишқаланиш кучланишларининг янги моделлари ишлаб чиқилди:

қўйи вал учун

$$\begin{cases} t_{11} = \operatorname{tg}(\theta_{11} + \gamma - \psi_{11} + \xi_1)n_{11}, & -(\varphi_{11} + \gamma) \leq \theta_{11} + \gamma \leq 0, \\ t_{12} = \operatorname{tg}(\theta_{12} + \gamma - \psi_{12} + \xi_1)n_{12}, & 0 \leq \theta_{12} + \gamma \leq \varphi_{12} + \gamma_2; \end{cases} \quad (9)$$

бу ерда $\xi_1 = \operatorname{arctg} \frac{F_1}{Q_1}$, $\psi_{1j} = \frac{k_{1j} \lambda_{1j} \cos(\varphi_{1j} + \gamma_j)}{1 + k_{1j} \lambda_{1j} \cos(\varphi_{1j} + \gamma_j)} (\theta_{1j} + \gamma)$, Q_1 – қўйи валга

қўйилган сиқувчи қурилманинг босим кучи; F_1 – қўйи валдаги реакция кучи (4-шакл);

узатмали юқори вал учун

$$\begin{cases} t_{21} = \operatorname{tg}(\theta_{21} - \gamma - \psi_{21} + \xi_2)n_{21}, & -(\varphi_{21} - \gamma) \leq \theta_{21} - \gamma \leq 0, \\ t_{22} = \operatorname{tg}(\theta_{22} - \gamma - \psi_{22} + \xi_2)n_{22}, & 0 \leq \theta_{22} - \gamma \leq \varphi_{22} - \gamma_2; \end{cases} \quad (10)$$

узатмасиз юқори вал учун

$$\begin{cases} t_{21} = -\operatorname{tg}(\theta_{21} - \gamma - \psi_{21} - \xi_2)n_{21}, & -(\varphi_{21} - \gamma) \leq \theta_{21} - \gamma \leq 0, \\ t_{22} = -\operatorname{tg}(\theta_{22} - \gamma - \psi_{22} - \xi_2)n_{22}, & 0 \leq \theta_{22} - \gamma \leq \varphi_{22} - \gamma_2; \end{cases} \quad (11)$$

бу ерда $\xi_2 = \operatorname{arctg} \frac{F_2}{Q_2}$, $\psi_{2j} = \frac{k_{2j} \lambda_{2j} \cos(\varphi_{2j} - \gamma_j)}{1 + k_{2j} \lambda_{2j} \cos(\varphi_{2j} - \gamma_j)} (\theta_{2j} + \gamma)$,

Q_2 – юқори валга қўйилган сиқувчи курилманинг босим кучи; F_2 – юқори валдаги реакция кучи (4- расм);

(9)-(11) математик моделлар вал контакт эгри чизиги бўйлаб тарқалувчи нормал ва уринма кучланишлар орасидиги боғланишни ҳам сирпаниш соҳалари ва ҳам ёпишиш соҳасида ўрнатади.

Контакт эгри чизиқлари шаклининг ва ишқаланиш кучланишларининг олинган моделларидан фойдаланган ҳолда умумлашган икки валли модулдаги контакт кучланишлари тақсимотини ифодаловчи математик моделлар топилди:

қуйи вал учун

$$n_{1j} = B_{1j} \left(1 - \frac{\cos(\varphi_{1j} + \gamma_j)}{\cos(\theta_{1j} + \gamma)} \right)^{m_j^*} \cos \psi_{1j}, \quad 0 \leq \theta_{1j} + \gamma \leq \varphi_{1j} + \gamma_j, \quad (12)$$

$$t_{1j} = B_{1j} \left(1 - \frac{\cos(\varphi_{1j} + \gamma_j)}{\cos(\theta_{1j} + \gamma)} \right)^{m_j^*} \cos \psi_{1j} \operatorname{tg}(\theta_{1j} + \gamma - \psi_{1j} + \xi_1), \quad (13)$$

бу ерда $B_{1j} = A_j^* \left(\frac{R_1 \sin(\varphi_{1j} + \varphi_{2j})}{(1 + k_{1j} \lambda_{1j}) \delta_2 \sin(\varphi_{2j} - \gamma_j)} \right)^{m_j^*};$

узатмали юқори вал учун

$$n_{2j} = B_{2j} \left(1 - \frac{\cos(\varphi_{2j} - \gamma_j)}{\cos(\theta_{2j} - \gamma)} \right)^{m_j^*} \cos \psi_{2j}, \quad -(\varphi_{2j} - \gamma_j) \leq \theta_{2j} - \gamma \leq 0, \quad (14)$$


$$t_{2j} = B_{2j} \left(1 - \frac{\cos(\varphi_{2j} - \gamma_j)}{\cos(\theta_{2j} - \gamma)} \right)^{m_j^*} \cos \psi_{2j} \operatorname{tg}(\theta_{2j} - \gamma - \psi_{2j} + \xi_2), \quad (15)$$

узатмасиз юқори вал учун

$$n_{2j} = B_{2j} \left(1 - \frac{\cos(\varphi_{2j} - \gamma_j)}{\cos(\theta_{2j} - \gamma)} \right)^{m_j^*} \cos \psi_{2j}, \quad -(\varphi_{2j} - \gamma_j) \leq \theta_{2j} - \gamma \leq 0, \quad (16)$$

$$t_{2j} = -B_{2j} \left(1 - \frac{\cos(\varphi_{2j} - \gamma_j)}{\cos(\theta_{2j} - \gamma)} \right)^{m_j^*} \cos \psi_{2j} \operatorname{tg}(\theta_{2j} - \gamma - \psi_{2j} - \xi_2), \quad (17)$$

бу ерда $B_{2j} = A_1^* \left(\frac{R_2 \sin(\varphi_{1j} + \varphi_{2j})}{(1 + k_{2j} \lambda_{2j}) \delta_2 \sin(\varphi_{1j} + \gamma_j)} \right)^{m_{j1}^*}.$




4-расм. Икки валли модулларда кучлар схемаси

Олинган математик моделлар кўрсатадики, икки валли модуллардаги контакт кучланишлари тақсимот қонунлари ишлов берилаётган материалнинг вал сиртига ишқаланиш коэффицентига, контактлашаётган жисмларнинг геометрик, кинематик ва деформациявий параметрларига ҳамда валларга қўйилган кучларга боғлиқ (5-расм ва 6-расм).


Нормал ва уринма кучланишлар контакт эгри чизиқлари бўйлаб нотекис тақсимланади:

– нормал кучланишлар контакт соҳасининг боши ва охирида нолга тенг бўлади ва марказлар чизиғидан чапда (контакт соҳаси бошига томон) ётувчи нуқтада максимумга эришади. Нормал кучланишлар тақсимотининг максимум нуқтаси ёки ёпишиш соҳасида ёки орқада қолиб сирпаниш соҳасида ётади ва нейтрал нуқта билан устма-уст тушмайди;



5-расм. Нормал кучланишлар эюраларининг боғлиқлиги: а) мустаҳкамлик коэффицентига; б) материалнинг Oy ўққа нисбатан оғиш бурчагига в) валлар радиусига; г) материалнинг қалинлигига.

– уринма кучланишлар нейтрал нуқтада ишорасини ўзгартиради. Бу нуқта узатмали валда контакт эгри чизигининг сиқилиш соҳасида, узатмасиз валда эса тикланиш соҳасида ётади.



6-расм. Уринма кучланишларнинг тақсимот эпюраси:
а) узатмали валда; б) узатмасиз валда

Юқорида келтирилган хулосалар бошқа тадқиқотларда олинган назарий моделларга ва тажрибавий эпюраларга мос келади. Бу олинган математик моделларнинг икки валли модуллардаги контакт кучланишларининг ҳақиқий тақсимот қонунларини етарли даражада ифодалашлигини кўрсатади.

Олинган (6) - (7) тенгламалар системасининг, (10) - (11) тенгламалар системасининг ва (12) - (17) формулаларнинг хусусий кўринишларини ҳамда валлар билан ишлов берилаётган материал контактли ўзаро таъсирининг мос хусусий ҳолларининг таҳлили кўрсатадики, олинган математик моделлар технологик машиналар икки валли модуллардаги ишлов берилаётган материал билан валлар жуфтлигининг барча контактли ўзаро таъсири учун контакт эгри чизиклари шаклини, ишқаланиш кучланишларини ва контакт кучланишлари тақсимотининг эпюраларини ифодалайди.

Контакт эгри чизиклари шаклининг ва контакт кучланишлари тақсимотининг олинган моделларидан фойдаланган ҳолда контактли ўзаро таъсирда валларнинг ушбу параметрларини ҳисоблаш формулалари топилди: контакт эгри чизикларининг ҳамда сирпаниш ва ёпишиш соҳалари узунликларини, ёпишиш соҳасини сирпаниш соҳаларидан ажратувчи бурчаклар катталикларини, энергиявий куч параметрлари катталикларини.

Диссертациянинг “**Хўл материалларни валли сиқишнинг назарий асослари**” деб номланган учинчи боби хўл материалларни валли сиқиш масалаларини ечишга бағишланган.

Бу масалаларни ечишда Н.Е.Новиков томонидан таклиф қилинган

$$\frac{1}{K_{\theta}} = \frac{\sin^2 \theta}{K_{\max}} + \frac{\cos^2 \theta}{K_{\min}},$$

филтрация коэффициентли анизотроп материаллар учун

$$\frac{\partial P_n}{\partial n} = -\nu \frac{u_{\theta}}{K_{\theta}}$$

умумлашган Дарси қонунидан фойдаланилган, бу ерда P_n , u_{θ} – n йўналишдаги гидравлик босим ва филтрация тезлиги; θ – кутб бурчаги; ν – суюқликнинг

ёпишқоқлик коэффициенти; K_{\max} – материал сиртига кўндаланг (Оу ўқ бўйича) йўналган максимал филтрация коэффициенти;

K_{\min} – материал сирти бўйлаб (Ох ўқ бўйича) йўналган минимал филтрация коэффициенти.

Кўйилган масалаларни ечиш орқали ушбу математик моделлар топилди:

– куйи ва юқори вал контакт эгри чизиқлари бўйлаб гидравлик босим тақсимотлари:

$$P_{in} = c_{i1}((\varphi_{i1} \pm \gamma_1)^2 - (\theta_{i1} \pm \gamma)^2) \cdot \left(2 - \frac{K_{i1\max} - K_{i1\min}}{K_{i1\max}} \cdot ((\varphi_{i1} \pm \gamma_1)^2 + (\theta_{i1} \pm \gamma)^2) \right), \quad (18)$$

$$P_{i2n} = c_{i2}((\varphi_{i4} \pm \gamma_4)^2 - (\theta_{i2} \pm \gamma)^2) \cdot \left(2 - \frac{K_{i2\max} - K_{i2\min}}{K_{i2\max}} \cdot ((\varphi_{i4} \pm \gamma_4)^2 + (\theta_{i2} \pm \gamma)^2) \right), \quad (19)$$

бу ерда

$$c_{i1} = \frac{\nu v_m R_i^2 \cos(\varphi_{i1} \pm \gamma_1)(\varphi_{i1} \pm \gamma_1)^3}{12K_{i1\min} h_{i1}^0 (1 + k_{i1} \lambda_{i1})(1 + k_{i1} \lambda_{i1} \cos(\varphi_{i1} \pm \gamma_1))},$$

$$c_{i2} = \frac{\nu v_m R_i^2 \cos(\varphi_{i2} \pm \gamma_2)(\varphi_{i2} \pm \gamma_2)^3}{12K_{i2\min} h_{i2}^0 (1 + k_{i2} \lambda_{i2})(1 + k_{i2} \lambda_{i2} \cos(\varphi_{i2} \pm \gamma_2))};$$

– куйи ва юқори вал контакт эгри чизиқлари бўйлаб суюқлик ўзгариши қонуниятлари:

$$G_{i1} = \alpha_{i1}(3(\varphi_{i1} \pm \gamma_1)^5 - 2(\theta_{i1} \pm \gamma)^5 - 5(\varphi_{i1} \pm \gamma_1)^3(\theta_{i1} \pm \gamma)^2), \quad (20)$$

$$G_{i2} = 3\alpha_{i1}(\varphi_{i1} \pm \gamma_1)^5 + \alpha_{i2}(5(\varphi_{i4} \pm \gamma_4)^3(\theta_{i2} \pm \gamma)^2 - 2(\theta_{i2} \pm \gamma)^5), \quad (21)$$

бу ерда

$$\alpha_{i1} = \frac{\rho v_m B R_i^2 \cos(\varphi_{i1} \pm \gamma_1)}{30h_{i1}^0 (1 + k_{i1} \lambda_{i1})^2 (1 + k_{i1} \lambda_{i1} \cos(\varphi_{i1} \pm \gamma_1))},$$

$$\alpha_{i2} = \frac{\nu v_m \rho R_i^2 \cos(\varphi_{i2} \pm \gamma_2)}{30h_{i2}^0 (1 + k_{i2} \lambda_{i2})^2 (1 + k_{i2} \lambda_{i2} \cos(\varphi_{i2} \pm \gamma_2))}.$$

(18) - (21) формулалар бўйича ҳисоблашлар таҳлилидан келиб чиқади:

– сиқиш соҳасида гидравлик босим контактнинг бошланғич нуқтасида нулдан марказлар чизиғида ётувчи нуқтада максимумгача ўсади. Гидравлик босимнинг тикланиш соҳасидаги тақсимот қонуни унинг суюқлик ҳўл материалдан валлар ўрамасига ўтадиган қисмининг давомийлигига боғлиқ бўлади;

– сиқилган суюқликнинг ўзгариш қонунияти ζ_i сонга боғлиқ: $0 < \zeta_i < 0,74$ да жараён охиридаги сиқилган суюқлик сиқилиш соҳаси охиридаги суюқликдан кам, $0,74 \leq \zeta_i < 1$ да ортик, $\zeta_i = 0,74$ да тенг бўлади.

Гидравлик босим тақсимотининг ва сиқилган суюқлик ўзгаришининг олинган моделларидан фойдаланган ҳолда ушбу параметрларни ҳисоблаш формулалари топилди: сиқилаётган материал қолдиқ намлигини ва сиқиш

машиналарининг умумлашган икки валли модуль валларида гидравлик босим катталигини.

Диссертациянинг “**Чарм ярим маҳсулотини валли сиқиш параметларини оптимизациялаш**” деб номланган тўртинчи боби олинган математик моделлар ҳисоблаш формулалари-нинг амалий татбиқига бағишланган.


Олинган математик моделлар ва ҳисоблаш формулаларини қўллашга мисол сифатида икки валли модулларда ҳўл материални сиқиш ҳолларидан бири бўлган чарм ярим маҳсулотини валли сиқиш қаралган.

Олинган математик моделлар ва ҳисоблаш формулалари биринчи навбатда чарм ярим маҳсулотининг хромли ошлашдан кейинги деформациявий ва фильтрациявий хоссаларига боғлиқ бўлади ва улар фақат тажриба йўли билан аниқланади.

Тажриба натижалари махсус ишланган қурилмаларда ўтказилди (7-ва 8-расм).



Тодқиқот объекти сифатида қора мол чарм маҳсулоти (чарм) олинди. Чармни сиқишга текшириш методикасига кўра ҳар бир чармдан 60×60 мм² ли намуналар тайёрланди ва гуруҳларга ажратилди.

Тажриба жараёнида намунага 2 дан 10 МПагача куч қўйилди, чарм намлиги дан 1,0 гача (мос равишда 60–75% гача) олинди,



ва

7-расм. Чарм ярим маҳсулотининг деформация хусусиятларини аниқлаш учун қурилма схемаси



расм

ярим

улар

бўлган
0,8

8-расм. Чарм ярим маҳсулотининг фильтрация хусусиятларини аниқлаш учун қурилма схемаси

сиқувчи кучнинг таъсир вақти 1 минутни ташкил қилди.

Олинган тажриба натижалари эмпирик формулалар орқали ифодаланди: сиқилишда

$$\sigma = 25,28 \cdot \left(\frac{\varepsilon - b}{a} \right)^{3,73} \cdot W^{-14,74}; \quad (22)$$

деформацияни тиклашда

$$\sigma = 51,80 \cdot \left(\frac{\varepsilon - b}{a} \right)^{3,55} \cdot W^{-11,88}, \quad (23)$$

бу ерда a и b – чармнинг топографик хусусиятларини ифодаловчи коэффициентлар. Улар жадвалда берилган.

Суяқлик фильтрациясини ўрганиш учун намуналар чарм сиртига перпендикуляр йўналишда юзаси 10 см²ли (35,7 мм. диаметрли) доира шаклида, параллел йўналишда эса 8-расмда кўрсатилган каби тайёрланди.

Тажрибаларда чармнинг нисбий деформацияси 0,314 дан 0,593 гача, цилиндрдаги босим 0,05–2,13 МПани ташкил қилди. Поршень ҳаракати ва гидростатик градиент ҳар 5, 10, 20, 40 ва 60 секундда кузатилди.

Олинган боғланишлар ва графикларни умумлаштириш натижасида чармнинг фильтрация хоссаларини унинг сиртига параллел ва перпендикуляр йўналишларда ифодаловчи эмпирик формулалар олинди:

$$I_y = (a_1 \varepsilon + b_1) v_y, \quad (24)$$

$$I_x = (a_2 \varepsilon + b_2) v_x, \quad (25)$$


бу ерда ε – чармнинг нисбий деформацияси.

(24) ва (25) формулаларнинг $a_1 = 147 \cdot 10^5$, $b_1 = 8 \cdot 10^4$, $a_2 = 132 \cdot 10^4$, $b_2 = -19 \cdot 10^3$ га тенг коэффициентлари энг кичик квадратлар усули билан топилди.

(22) - (25) формулаларни ҳисобга олган ҳолда чармни валли сиқишнинг назарий модели олинди.

Диссертацияда тажриба тадқиқотлари олинган назарий математик моделларнинг аниқлигини баҳолаш ҳамда чармни валли сиқишни оптимизациялашда фойдаланиш учун чармни валли сиқишнинг технологик ва конструктив параметрлари ўртасида аниқ

Коэффицент	Топографик участка	Сиқилиш	Тикланиш
a	чепрак	1	1
	этак	0,96	1,040
	ёқа	0,94	1,051
b	чепрак	0	0
	этак	0,012	0,011
	ёқа	0,018	0,019



9-расм. Тажриба қурилмаси кўриниши

ифодаланган боғланишларни ўрнатиш мақсадида ўтказилди.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

– чарм сиқиш самарадорлигини сиқишда қувват сарфини ва вал контакт эгри чизиғининг узунлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;

